

САЛЬМОНЕЛЛЕЗДА ИЧАКДАГИ МОРФОЛОГИК ЎЗГАРИШЛАРНИ БАҲОЛАШ

Шермухамедов Темур Тохирович

Тошкент тиббиёт академияси

Аннотация. Сальмонеллез - бу *Salmonella* бактериялари туфайли келиб чиқадиган ўткир инфекцион касалликдир. Бу касаллик кўпинча ошқозон-ичак тизимига таъсир қилади ва оғир ҳолатларда бутун организмга тарқалиши мумкин. Сальмонеллез одамлар ва ҳайвонларда учраши мумкин. Сальмонеллез оқибатида ичакда бир қатор морфологик ўзгаришлар юз беради. Бу ўзгаришларни баҳолашда асосан гистопатологик усуллар қўлланилади.

Annotation. Salmonellosis is an acute infectious disease caused by *Salmonella* bacteria. This disease often affects the gastrointestinal system and can spread throughout the body in severe cases. Salmonellosis can occur in humans and animals. A number of morphological changes occur in the intestine as a result of Salmonellez. Histopathological methods are mainly used to assess these changes.

Калит сўзлар. Сальмонеллез, морфофункционал ўзгаришлар, Пейер тилакчалари, гиперплазия

Key words. Salmonellez, morphofunctional changes, Peyer's pills, hyperplasia

Тадқиқотнинг мақсади. Сальмонеллез касаллиги оқибатида ҳазм тизими ичак тўқималаридаги морфологик ўзгаришларни аниқлаш.

Материал ва тадқиқот усуллари. Сальмонеллез касаллигида тадқиқот материаллари бўлиб, қон, қусиқ ва ичак тўқимаси текширилади. Қон- систематик инфекцияларни аниқлаш учун, қусиқ- озиқ-овқат билан боғлиқ ҳолларда ва ичак тўқимаси- биопсия намуналари гистопатологик текширув учун олинади. Тажрибавий тадқиқотлар учун гистологик, микробиологик, бактериологик, биохимик тестлар, молекуляр-биологик, бактерияларнинг генетик материаллини (ДНК) аниқлаш усулларидадан фойдаланилади.

Тадқиқот натижалари клиник ва тажрибавий кузатувлар асосида шулар аниқландики, сальмонеллез касаллигида мукоза ва субмукоза қаватлардаги инфильтрация оқибатида полиморф ядровий лейкоцитлар, лимфоцитлар, плазма хужайралари ва макрофаглардан иборат инфильтрация кузатилади. Эпителий хужайраларининг дистрофияси ва некрози оқибатида ичак эпителий хужайралари дистрофияси, некроз ва улыцерация билан намоён бўлиши мумкин. Крипталар гиперплазияси оқибатида ичак крипталари гиперплазияси ва гипертрофияси

кузатилади. Васкуляризация ва капиллярлар кенгайиши оқибатида ичакдаги қон томирларида кенгайиш ва гиперемия ҳолатлари кўзга ташланади. Клиник белгилар: Иситма, қусиш, диарея ва қорин оғриғи каби симптомлар.

Лаборатор текширувлар: Нажас, қон ва бошқа биоматериалларда *Salmonella* бактериясини аниқлаш.

Гистопатологик текширув: Биопсия орқали ичак тўқималарини микроскоп остида текшириш. Криптлар гиперплазияси ва бошқа тўқима ўзгаришлари аниқланади.

Хулоса қилиб айтганда сальмонеллэздан самарали ҳимояланиш ва унинг тарқалишини камайтириш учун, озиқ-овқат ва гигиенага оид қатъий қоидаларга риоя қилиш муҳим. Шу билан бирга, сальмонеллэзнинг глобал мониторинги ва антибиотикларга резистентликка қарши кураш муҳим аҳамиятга эга.

АДАБИЁТЛАР:

1. Инфекционные болезни и эпидемиология: Учебник / В.И. Покровский, С.Г. Пак, Н.И. Брико, Б.К. Данилкин. - 4-е изд. - М.: ГЭОТАР — МЕД, 2015. - 816 с.
2. Клиническая лабораторная диагностика: нац. рук. В 2 т. / гл. ред. В. В. Долгов, В. В. Меньшиков; АСМОК. - М. : ГЭОТАР-Медиа, 2012:928 с.
3. Ивашкин В. Т., Шептулин А. А. Болезни пищевода, желудка и кишечника: моногр. ; МЕДпресс-информ - М., 2016. - 176 с.
4. Колиэнтериты; Государственное издательство медицинской литературы - М., 2015. - 200 с.